

ХИТОЙ ТИЛИДАГИ ЭВФЕМИЗМЛАРНИНГ ИЖТИМОЙИ-МАДАНИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ



Шохистахон Қудратуллаевна ШАМСИЕВА

Ўқитувчи

Хитой тили ва адабиёти кафедраси
Тошкент давлат шарқшунослик институти
Тошкент, Ўзбекистон
shohistaxon81@mail.ru

Аннотация

Мақолада эвфемизмларнинг пайдо бўлишидаги ижтимоий-маданий шарт-шароитлар хусусида сўз юритилган. Хитой тилидаги материаллар миллий маданиятни акс эттирувчи эвфемизмларнинг ўзига хос хусусиятлари очиқ берилган. Уларнинг хитой лингвомаданиятидаги аҳамияти ҳақидаги хулосалар тақдим этилган. Очиқ берилган. Шунингдек, хушмуомалалик билан боғлиқ эвфемизмлар ўрганилган. Нутқда эвфемизмларнинг ифода топишига оид мисоллар берилган.

Калит сўзлар: эвфемизм; эвфемистик маъно; лингвомаданият; маданиятлараро мулоқот; эвфемик сўз ва ибора; хушмуомалалик билан боғлиқ эвфемизмлар.

СОЦИАЛЬНО-КУЛЬТУРНЫЕ ОСОБЕННОСТИ ЭВФЕМИЗМОВ КИТАЙСКОГО ЯЗЫКА

Шохиста Қудратуллаевна ШАМСИЕВА

Преподаватель

Кафедра китайского языка и литературы
Ташкентский государственный институт востоковедения
Ташкент, Узбекистан
shohistaxon81@mail.ru

Аннотация

В статье идет речь о социально-культурных предпосылках появления эвфемизмов. На материале китайского языка раскрываются особенности эвфемизмов, отражающих национальную культуру. Делается вывод об их значении в китайской лингвокультуре. Также идет речь об эвфемизмах вежливости. Даются примеры выражения эвфемизмов в речи.

Ключевые слова: эвфемизм; явление эвфемии; эвфемизмы вежливости; межкультурная коммуникация; лингвокультурология.

SOCIO-CULTURAL ASPECTS OF CHINESE EUPHEMISMS

Shokhista Qudratullayevna SHAMSIYEVA

Teacher

the Department of Chinese Language and Literature
Tashkent State Institute of Oriental Studies
Tashkent, Uzbekistan
shohistaxon81@mail.ru

Abstract

Given article speaks about the socio-cultural aspects of euphemism. Mainly, the reflection of euphemism in culture has been discovered based on chinese materials. The article explores a

special role of euphemism in chinese lingua culture. In addition to this, cordial euphemisms have also been discussed. The usage of euphemic words and idioms in speech has been indicated with examples

Keywords: euphemism; evaluation of euphemism; respectful euphemisms; intercultural communication; euphemistic word and idiom; cordial euphemisms.

Қандай сўзлаш, бу – билим, яхши нутқ эса санъатдир. Эвфемизмлар нутқда ва маданият тараққиётида ўзига хос аҳамият касб этади. Эвфемия – тилнинг лексик тизимида муҳим ўрин эгалловчи, шунингдек, тузилишига кўра хилма-хиллик акс эттирувчи лингвистик ҳодисадир.

Эвфемизм юнонча *euphemismos*, *eu* – яхши ва *phemi* – гапираман сўзларидан келиб чиққан бўлиб, кишиларга нисбатан ишлатиладиган беодоб, кўпол сўзлар ўрнига эмоционал меъёрий бўлган синоним сўз ёки сўз бирикмаларининг қўлланилишидир (2). Шунингдек, эвфемизм сўз маъносини юмшатувчи вазифага, шунингдек, тилнинг тарихий ривожидида муҳим ўринга ҳам эга. Жаҳон тилшунослигида эвфемик ҳодисаларнинг ўрганилиши кўп асрлик тарихга эга. Жаҳон ва ўзбек тилшунослигида эвфемизмлар бўйича бир қанча ишлар амалга оширилган (3). Шунингдек, хитойлик тадқиқодчи олимлардан Шао Жун Ханг (邵军航 Shao Jun Hang), Ванг Де Чун (王德春 Wang De Chun), Йин Чун (尹群 Yin Qun) кабилар эвфемизм ҳодисасини тадқиқ этганлар. Мазкур тадқиқот ишларида эвфемизмларнинг турли хусусиятлари, жумладан, уларнинг ҳосил бўлиш йўллари ҳақида муҳим фикрлар баён этилган.

Тил ва маданият ўзаро таъсирда бўлиб, инсоният орасидаги мулоқот шаклини ўзида ифодалайди. Шу ўринда эвфемизмларни муайян даврга хос халқ маданиятининг тилдаги кўзгуси, ёки бошқа тил воситалари, яъни жамиятнинг ижтимоий ҳаётини англатувчи сўз ва иборалар деб ҳам аташ мумкин. Ҳар бир тил эгаси бир вақтда маданият ташувчиси ҳамдир. Тил белгилари маданият белгилари вазифасини бажариш қобилиятига эга бўлиб, маданиятнинг асосий тушунчаларини ифодалашга хизмат қилади. Шунинг учун тил ўз эгаларининг миллий-маданий менталитетини акс эттириш қобилиятига ҳам эгадир. Масалан, “事业线” (*shi ye xian* – бизнес тизими), энг аввало, инь янь таълимотидан келиб чиққан бўлиб, қадимда инсоннинг туғилган санаси, касб-кори, вақти, яшаш жойи билан узвий боғлиқ бўлган ва унинг тақдирида ўз аксини топган. “Инь янь”да белгиланган фарқлар кафт чизикларидан аниқланган. Бу чизиклар инсоннинг иш фаолиятидаги омадни аниқ кўрсатиб берган. Шунинг учун ҳам у “касб-кор чизиғи” (*事业线shi ye xian*) деб аталган. Лекин ҳозирги кунда бу ном билан кўнгилочар тунги клублар билан боғлиқ бизнес тизимини (*事业线 shi ye xian*)

боғлаш кенг тарқалган. Айни пайтда, унинг урф бўлган (事业线 shi ye xian) кафт чизиклари билан умуман алоқаси йўқ (4).

Жамият ривожланиб, илм фан юксалиб, ҳаёт ўзгариб узлуксиз тарзда янги ходисалар, янги тушунчалар, янги номлар вужудга келмоқда.

Хитой Халқ Республикасининг Таълим вазирлиги ва давлат тил қўмитаси томонидан 2015 йил октябрь ойида оммага тақдим этилган “2014 йилдаги хитой тилининг ҳолати ҳақида”ги ахборотида кўрсатилишича, ўтган ўн йил мобайнида жами 5514та янги сўз бирикмаси юзага келган. Булар 微博 (wei bo – микротўлқинли печь), 中国梦 (zhongguomeng – Хитой орзуси), 微信 (weixin – “Вичат” мессенджери), 电商 (dianshang – электрон савдо), 小长假(xiaozhangjia – Хитойдаги уч кунлик дам олиш кунлари), 大数据 (dashuju – катта кўрсаткичлар), 一带一路 (yidaiyilu бир – камар бир йул), 微信红包 (weixinhongbao – Вичат мессенджери орқали совға сифатида пул ўтказмаси) каби сўз бирикмаларидир. Нафақат янги сўз ва иборалар, балки илгари мавжуд бўлганлари ҳам янги маъно англатувчи иборалар сифатида тўхтовсиз ўзгармоқда. Булар айрим эски тушунчадаги янги сўз бирикмалари ва янги маъно акс эттирувчи эски сўз эвфемизмларидир. Мисол учун, илгари 秘书(mishu – котиба) ҳозирда 小蜜 (xiaomi – чаққон қиз), 盲流 (mang liu – билмаган одам), 流动人口 (liudongrenkou – иммигрантлар аҳолиси), 伺妾 (si jie – канизак) эса 二奶 (er nai – жазман), 嫁不出去 (jiabuchiqu – турмушга чиқолмаган) бирикмаси ўрнида 剩女 (sheng nu – ўтириб қолган қиз), ёки бўлмаса 光棍 (guanggun – уйланмаган йигит) ўрнига 宅男 (zhai nan – бўйдоқ йигит), 妓女 (jinu – суюғоёқ) эса 失足妇女 (shizufunu – йўлидан адашган аёл) иборалари тарзида ифодалаш кенг тарқалган. Бундай бирикмалар нутқни юмшатиш мақсадида қўлланиладиган эвфемизмлардир.

Турли халқлар эвфемизмларидаги маданий ўхшашликлар уларга юкланган вазифаларнинг бир хиллигидан келиб чиқади. Эвфемизмларни вазифаларига кўра: табу – тақиқ ифодаловчи эвфемизмлар ва хушмуомалалик ифодаловчи эвфемизмларга ажратиш мумкин.

Мавжуд сўзга эвфемистик маъно юкланар экан, бу маъно сўзнинг қўлланмай қолган маъноси бўлади. Яъни у лексик сатҳга мансуб ҳисобланади. Уни асосан табу билан боғлайдилар. Табуга учраган сўз ёки ибора ўрнида тўғридан-тўғри эвфемизм қўлланади, яъни муайян сўзга табуга учраган луғавий бирликнинг маъноси юкланади, у эвфемистик маъно бўлиб қолади (1).

“Ибтидоий жамоа тузуми даврида ижтимоий ишлаб чиқариш даражаси паст бўлгани сабабли, кишиларда илмий ва маданий билимлар етишмаган. Шунинг учун ҳам улар турли ирим-сиримларга ишонишган, тўғридан-тўғри

Худодан ёки рухлардан сўраш бахтсизлик келтиради, деб ўйлашган. Натижада Худо ва рухларнинг исми табуга айланган ва улар бошқа ном билан атала бошланган. Масалан, Ғарб мамлакатларида насронийлик ривожланган даврларда Худонинг “Иегова” исми энг катта табу ҳисоблангани учун унинг ўрнига “Қудратли”, “Яратувчи”, “Қутқарувчи”, “Бизнинг Отамиз” каби эвфемизмлар қўлланилган. Ёки қадимги Хитойда императорларнинг исми билан аташ тақиқланган.

Хитойнинг биринчи императори Chin Shi Huang “Zheng yue” (қамария йилининг биринчи ойи – the first month of a lunar year) даги “Zheng” (сиёсат, адолат) белгисини талаффуз қилишдан қочиш мақсадида, “Zheng” (тўғри) белгисига мос келадиган “Duan yue” (тўғри) исмига ўзгартирилган” (5). Бундан ташқари, императорлар вафоти ҳақида сўз борганда, 驾崩 (jiàbēng Жиа – вафот этди), 山陵崩 (shānlíngbēng – император вафоти), 千秋万岁后 (qiānqiūwànsuìhòu – узоқ йиллардан сўнг) каби иборалар орқали эвфемизм ёрдамида ифода этилади. Ёши улуг, кексалар вафот этганда ҳам бир қанча эвфемик бирикмалар мавжуд. Масалан, 失怙 (shīhù – суянчни йўқотмоқ), 失恃 (shīshì – волидасини йўқотмоқ), 弃养 (qìyǎng – боқувчисини йўқотмоқ), 寿终 (shòuzhōng – умри поёнига етмоқ).

Эвфемизм филология соҳасининг муҳим қисми бўлиб, нутқда эвфемизмлардан моҳирона фойдалана билиш нутқ қобилиятига эга бўлишнинг асосий белгисидир. Шунинг учун эвфемизмларни ўрганишга катта эътибор қаратилади. Бинобарин эвфемизмлар юзасидан олиб борилган филологик тадқиқотларда қатор ютуқларга эришилган. Лекин шунга қарамай эвфемизмлар тилнинг мураккаб ҳодисасидир. “Энг аввало, эвфемизмлар бу тил ва нутқдаги универсал ҳодисадир. Тарих нуқтаи назардан қараганда, эвфемизмлар инсоният цивилизациясининг бошланғич даврларида пайдо бўлган, шунинг учун уни узоқ ўтмишга эга деб айтиш мумкин” (7, 3-5). Хитойнинг қадимги манбаларида кўплаб эвфемизмларни учратиш мумкин. Масалан:

1. 天子死曰崩, 诸侯死曰薨, 大夫死曰卒, 士曰不禄, 庶人曰死。 (《礼记。曲礼 (下)》)
2. 君即百岁后, 谁可代君? (《汉书。霍光传》)
3. 沛公不胜杯杓, 不能辞。 (《史记。项羽本纪》)
4. 上初即位, 富于春秋。 (《史记。魏其武安侯列传》)

Биринчи ва иккинчи жумлалардаги “崩”, “薨”, “卒”, “不禄”, “百岁后” сўзлари “ўлим” сўзини ифодаловчи эвфемизмлар бўлса, учинчи жумладаги “不

胜杯杓” “ичиб маст бўлиш” деган сўзнинг юмшоқ формасини ифодалаган, тўртинчи жумладаги “富于春秋” келажакда узоқ умр кўриш, ёш кўри нишга эга бўлиш каби маъно ифодаловчи эвфемизмлардир.

Аксарият лингвомаданиятларда кенг тарқалган эвфемик сўзлардан бири “ўлим” дир. Инсонларнинг тасаввурида ўлим энг катта бахтсизлик саналади. Шунинг учун кўпчилик халқларнинг тилида *ўлим* сўзи тилга олинмайди ва у турли эвфемик сўзлар ва иборалар воситасида ифодаланади. Масалан, ўзбек тилида: *вафот этмоқ, оламдан ўтмоқ, бандаликни бажо келтирмоқ, ҳалок бўлмоқ, қазо қилмоқ, кетмоқ, ўтмоқ, кузатмоқ, хайрлашмоқ, мангу уйқуга кетмоқ, абадий уйқуга кетмоқ, тупроққа қайтмоқ* (1, 142). Хитойликларда ўлим билан боғлиқ сўзлар ва иборалар эвфемия остига олинади. Бунга сабаб биринчидан, унинг буддизм таълимоти билан боғлиқлиги ва унга кўра, ўлим ортида кишининг тириклик чоғида қилган ҳар бир ёмон хатти-ҳаракати учун жазо кутаётганлиги бўлса, иккинчидан, ўлим тушунчаси касаллик ортидан эргашиб келувчи ёқимсиз ҳодиса сифатида талқин этилади. Масалан, 谢世 (xièshì – абадий дунёга кетиш), 作古 (zuògǔ – ўзга дунёга кучиб ўтиш), 睡觉 (shuìjiào – абадий уйқу), 休息 (xiūxi – дам олиш), 远行 (yuǎnxíng – узоқ сафарга йўл олиш), 上天 (shàngtiān – осмонга юксалиш), 归天 (guītiān – осмонга қайтиш).

Бир вақтнинг ўзида, бир тилли жамият доирасида ҳар бир жабҳада, турли ижтимоий қатламда яшовчи соҳа вакилларининг барчаси эвфемизмлардан кенг фойдаланади. Масалан, ишлаб чиқариш соҳасида 剃头的 (сартарош) сўзи 美发师 (гўзаллик стилисти) сўзига алмаштирилган бўлса, қобилият доирасида 贫困 (камбағал) сўзи 日子过得紧巴 (ҳаёт тарзи чекланган) иборасига, 落后国家 (қолоқ мамлакат) ўрнида 发展中国家 (ривожланаётган мамлакат) ёки 第三世界国家 (дунёнинг учинчи мамлакати), ташқи кўриниш доирасида 肥胖 (семиз) сўзи ўрнида 丰满 (тўлача), 富态 (кўҳлик) сўзлари кенг қўлланилади. Лекин ортиқча вазн аксарият аёлларнинг руҳиятига таъсир қилишини инобатга олган ҳолда, хитойлик аёллардан уларнинг вазни ҳақида сўрамаган маъқул. Бир қатор маданиятларда кузатилганидек, хитойда ҳам рақамлар билан боғлиқ эвфемизмларни кузатиш мумкин. Масалан, 4 рақами қатъиян анъанавий табу ҳисобланади. Чунки хитой тилининг талаффуз қоидаларига кўра, 4 сони “sì” (тўртинчи оҳанг) шаклида талаффуз қилиниб, у “ўлим// ўлмоқ” маъносидаги бошқа “sì” (учинчи оҳанг)га жуда яқин туради. Шунинг учун мазкур рақам хушланилмайди ва ундан эшик, уй, хона, қават, телефон ва тарихий саналарни

белгилашда фойдаланилмайди. Ҳатто, хитойликлар 4 рақамли турар жойлар сотиб олишдан ҳам кўрқишади. Аксинча, хитой тилидаги 8 рақами “ba” нинг талаффузи “бой бўлмоқ”, “пул топмоқ” маъноларида қўлланиладиган “fa” сўзига яқин бўлгани учун ундан кенг фойдаланилади (1). Бундан ташқари, 三八节 (sānbājié – 8 март халқаро хотин-қизлар байрами). Хитой тилида 38 рақами тарзида кодлаштирилган ушбу байрам хитой маданиятида салбий эмоционал кайфият беради. Чунки 38 рақами вайсақи, жанжалкаш аёлларга нисбатан ишлатилади.

Савдо-сотиқ билан боғлиқ эвфемизмларни ҳам кундалик ҳаётда кўп учратиш мумкин. Масалан, меҳмонхоналардаги 普通间 оддий хоналарни 标准间 стандарт хоналар деб аталса, самолёт, поезд, кемалардаги биринчи классни 豪华舱 (VIP, Premium class), иккинчи классни 商务舱 (бизнес класс), учинчи классни 经济舱 (эконом класс) ёки 旅游舱 (саёҳат класс) деб аташ урф бўлган.

“Хушмуомалалик” тушунчаси тилшунослик йўналишидаги тадқиқотларда “коммуникатив тафаккур категорияси, миллий менталитетнинг акс этиши”, деб талқин қилинади (3). Хушмуомалалик стратегия ва усуллар танлашда намоён бўлиб, мулоқотчилар орасидаги ўзаро муносабатни бошқаради. Айниқса, хушмуомалалик кексаликка бўлган муносабатларда ўз аксини топади. Шарқ анъаналарида кексаларга чуқур ҳурмат кўрсатилади. Хитойликларда ҳам кексалик донолик, тажрибали каби тушунчаларни ифода этади. Бу ҳам конфуцийлик фалсафаси билан боғлиқ бўлиб, ёши улуғ кексаларга чуқур эҳтиром курсатиш 孝 xiao “оталарга эҳтиром” деб номланган одоб ахлоқ меъёрларида ўз аксини топган. Шунинг учун ҳам хитой маданияти билан боғлиқ ҳолда хитой тилида ёш билан боғлиқ мавзуда эвфемизмлар деярли учрамайди.

Хитой тилида эвфемизация уч хил кўринишда намоён булади. Аббревиация усули хитой тилида юқори частотали яъни, энг кўп учрайдиган эвфемизация усули булиб, ҳар бир иероглифда аниқ маъно ифодаланган бўлади. Ўзлашган лексик бирликлар, бу усулдаги эвфемизация хитой тилидаги иероглифларнинг барқарор тизими мавжудлиги сабабли нисбатан кам учрайди. Метафорали эвфемизмлар образли бўлиб, аксарият ҳолларда ҳажвий тус бериш мақсадида қўлланилади.

Бугунги кунда юқорида келтирилган эвфемик сўз ва иборалар барқарорлашиб, улардан оммавий ахборот воситаларида, қонун ҳужжатларида ва БМТнинг расмий материалларида кенг фойдаланилмоқда. Шунингдек, мурожаат шаклларида ҳам эвфемистик маъно юкланганлиги кузатилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, нутқда эвфемизмлардан фойдаланиш кўп ҳолларда муайян жамиятда белгиланган кадриятлар, этикет нормалари ва ижтимоий-

маданий нутқий меъёрларга боғлиқ бўлади. Эвфемизмлар келиб чиқиши жиҳатидан узок тарихга эга бўлган лисоний ва ижтимоий-маданий ходисадир. Эвфемизмларни ўрганиш маданиятлараро мулоқот жараёнида юзага келадиган қийинчиликларни, тушунмовчиликларни бартараф этиб, мулоқотнинг муваффақиятли ва самарали бўлишини таъминлайди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Usmanova Sh.R. Tarjimaning lingvomadaniy aspektlari. Darslik. – Toshkent: ToshDShI, – 2017. – 255 b.
2. Арнольд И.В. Лексикология современного английского языка. – Москва. –2012. – 284 с.
3. Ларина Т.В. Категория вежливости и стили коммуникации (монография) – Москва: Рукописные памятники Древней Руси, 2009. – 507 с.
4. Пшеничникова А.Б. Гендерные спецификации вежливости в директивных речевых актах в американской лингвокультуре: интердискурсивный подход: автореф. дис.... канд. филол. наук: 10.02.04 / ИГЛУ. – Иркутск, 2009. – 20 с.
5. Ярцева В.Н. Лингвистический энциклопедический словарь. – Москва: БРЭ, 1998. – 590 с.
6. 李国南 “词格与词汇[M]”. 上海. 上海教育出版社, 2001
7. 邵军航 “委婉语研究”- 上海：上海交通大学出版社